

Салмон Форсий розияллоху анхунинг йиғиси



07:40 / 01.04.2019 4501

Салмон Форсий розияллоху анху вафотидан олдин кўп йиғлади. «Нима учун йиғлаяпсиз?» деб сўрашган эди, «Дунёдан кетаётганимга ачинганимдан йиғламаяпман. Аммо Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизларга дунёдаги маблағимиз йўловчининг озуқаси каби бўлиши кераклигини айтган эдилар-да», деди.

Салмон Форсий вафот этгач, ундан қолган мол-мулкни қараб кўришса, йигирма дирҳамдан бир оз ортиқ пул экан, холос.

«Солиҳлар гулшани» китобидан